Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

2015-yil, 19-fevral. Payshanba • 20 (31.923) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## «КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуғ инсонлар, айниқса, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда, ёшларни ўзбек халқининг кўп асрлик қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек, 2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан:

1. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурини амалга оширишнинг устувор вазифа ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ёши улуғ инсонларга давлат хизматлари, шу жумладан, турли маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатларни олиш хизматлари кўрсатишнинг энг қулай тизимини шакллантириш;

кексалар, авваламбор, фашизм устидан қозонилган ғалаба ва Ватанимизни қайта тиклашга муносиб ҳисса қўшган 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёши улуғ инсонлар, биринчи навбатда, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший хизматлар рўйхатини кенгайтириш, уларни фаровон ва муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш учун маҳаллалар, «Нуроний» жамғармаси, бошқа нодавлат ташкилотлари ва ижтимоий тузилмалар томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш миқёсини ошириш;

фахрийлар ва ёши улуғ инсонларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактика тадбирларини кўпайтириш, кўриш ва эшитиш органлари, таянч-ҳаракат тизими ва юрак-қон томир касалликларини даволашнинг замонавий усуллари билан қамраб олиш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш, кексалар ва ногиронларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан, жумладан, имтиёзли асосда таъминлаш, кексаларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган санатория-соғломлаштириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш;

мамлакатимизнинг мудофаа қобилияти, иқтисодий, маданий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, жамиятимизда тинчлик, тотувлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашга бебаҳо ҳисса қўшган, соғлом ва баркамол униб ўсаётган авлодни тарбиялашда фаол иштирок этаётган кекса авлод вакилларига муносиб эътибор қаратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни тизимли асосда амалга ошириш, оила ва жамиятда ёши улуғ инсонларнинг ўрни ва обрўсини ошириш, болалар ва ёшларни ота-оналарни, ҳар бир нуронийни чуқур ҳурмат қилиш, эъзозлаш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш туйғуси руҳида тарбиялаш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш;

ҳар бир кексага ҳар томонлама эътибор қаратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини кучайтириш ва ошириш, кексаларнинг ҳаёт фаолияти ва дам олишини ташкил этиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, бунда улар учун туман ва маҳаллаларда мулоқот марказлари, қизиқиши бўйича клублар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш, телевидение, оммавий ахборот воситалари, кинотеатрлар, театр ва бошқа маданий-маърифий муассасаларда ёши улуғ инсонларнинг қизиқишларига мос мавзуда янги махсус кўрсатувлар, спектакль ва фильмлар яратиш ва эфирга узатиш ҳажмини кўпайтириш;

маҳаллалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилий тузилмасида кексалар ва ногиронларга доимий эътибор қаратадиган секторни мустаҳкамлаш, бунда уларга хизмат кўрсатадиган идора ва хизматлар, биринчи навбатда, пенсия, ижтимоий ва тиббий таъминот хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни назарда тутиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 12 декабрдаги 4393-фармойишига мувофиқ тузилган Республика комиссияси томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика комиссиясига (Ш.Мирзиёев) «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурига киритилган тадбирларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш юклансин.

Республика комиссияси:

бир ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этилишини таъминласин ва уларнинг зиммасига Давлат дастурида белгиланган вазифаларни сўзсиз, тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юкласин;

икки ҳафта муддатда вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва бошқа хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик ва идора, ҳудуд, шаҳар, туман ва аҳоли пунктларининг «Кексаларни эъзозлаш йили» бўйича ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишини таъминласин;

республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари даражасида тасдиқланган Давлат дастурига киритилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш бўйича ишларни мувофиқлаштирсин ва ушбу тадбирлар амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

ҳар чорак якунлари бўйича «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирлар бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот бериб борсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги:

босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, интернет-ресурсларни жалб этган ҳолда, аҳоли ўртасида «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари, уни амалга ошириш бўйича асосий йўналишлар ва чора-тадбирлар мунтазам ва кенг кўламда ёритилишини;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга оширишдаги иштироки ва қўшган аниқ ҳиссасини акс эттирган ҳолда, Давлат дастурининг бажарилиши ҳақида кенг жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб боришни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2015 йил 18 февраль*

**САЙЛОВ — 2015**

# САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРДА

### фуқароларнинг юксак сиёсий фаоллиги намоён бўлмоқда

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВ 18 ФЕВРАЛЬ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ. «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ 28-МОДДАСИГА МУВОФИҚ, ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДНИНГ САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ УЧУН БАРЧА ИМКОНИЯТ ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИБ БЕРИЛДИ.





Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси Жавдат Иноғомов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Ҳайдар Бобохонов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Учрашувда мамлакатимизда қисқа даврда улкан ютуқ ва марраларга эришилгани, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу тамойил миллий давлатчиликни шакллантиришнинг ўзига хос асоси экани таъкидланди.

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида жамиятда сиёсий партияларнинг роли тобора ортиб бораётгани аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий дунёқараши кенгайишига, шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ошишига хизмат қилаётгани қайд этилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Кетмонов йиғилганларни ўз сайловолди дастурининг устувор йўналишлари билан таништирди.

— Мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш, таълим, соғлиқни сақлаш, кам таъминланган оилалар, пенсионерлар, жисмоний имконияти чекланган фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш, янги иш ўринлари яратиш, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш масалалари давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади, — деди у. — Шунинг учун бу борадаги ислоҳотларни янада изчил давом эттириш тақозо этилмоқда. Хусусан, муносиб иш ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринларини тақдим этаётган корхоналарда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, истиқболли ишлаб чиқаришларни ривожлантириш бўйича инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда, уларнинг ўрта махсус касб-ҳунар ва олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш дастурлари ҳамда ҳудудий бандлик дастурларига ўзаро боғлиқ бўлган комплекс ёндашувини таъминлаш зарур.

2

**29 МАРТ — САЙЛОВ КУНИ**

## Президент сайлови — эл-юртимиз фаровон келажагини таъминлашнинг муҳим омили

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси ҳал қилувчи босқичга кирди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олгандан сўнг сайловолди ташвиқоти бошланди.**

**ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулуғбек АБДУСАЛОМОВ билан ушбу муҳим сиёсий жараёнга кўрилаётган тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар ҳақида суҳбатлашди.**

— Асосий Қонунимизда Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғи ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаши, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафолати экани мустаҳкамлаб қўйилган, — деди М.Абдусаломов. — Шу йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ватанимизнинг янги тарихида ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеадир. Зеро, мамлакатимиз келажаги, унинг янада тараққий топиши сайловнинг барча иштирокчиларининг фаоллиги, сиёсий етуклиги ва пировард натижада сайловчилар қабул қиладиган қарорга боғлиқ.

Шу муносабат билан сайловга энг юксак ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник даражада тайёргарлик кўриш, уни миллий сайлов қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган демократик принципларга тўлиқ мувофиқ ҳолда очиқ-ошкора ва адолатли ўтказиш катта аҳамият касб этади. Бунинг учун мамлакатимизда барча зарур шарт-шароит яратилган.

Маълумки, сайловлар кучли фуқаролик жамиятига эга демократик-ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси бўлиб, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаёти, давлат ва жамият бошқарувида ва давлат ҳокимиятини шакллантиришда бевосита иштирокининг асосий шаклидир.

Шу боис демократия талаблари ва мустақил тараққиётимиз шартларига мос, фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин ва фаол иштирок этишини таъминлайдиган, сайлов ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришнинг ишончли кафолати бўлган замонавий сайлов тизимининг яратилиши истиқлол йилларида мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланди.

Амалга оширилаётган ўзгаришлар ва уларнинг самарадорлиги, аввало, ислоҳотларнинг «ўзбек модели» тадрижий хусусиятга эга экани билан боғлиқдир. Бундай ислоҳотлар демократик сайлов тизимини шакллантириш соҳасида ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мазкур тизимнинг мустаҳкамлиги, барқарорлигини таъминлади ва шу тариқа давр ва ислоҳотларни чуқурлаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда, янада такомиллаштириш имкониятини яратди.

**— Бу йил ўтаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўзига хос қандай хусусиятларга эга?**

— Президент сайлови бўйича 2015 йилги сайлов кампанияси сифат жиҳатидан янги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий шароитлар, партиялараро рақобат, аҳолининг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги кучайиб бораётган бир шароитда ўтмоқда.

Ўзбекистонда кенг кўламли ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш давомида сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларни демократлаштириш ҳамда эркинлаштиришда салмоқли ютуқларга эришилди. Авваламбор, мамлакатимизда тинчлик, хотиржамлик ва фуқаролар тотувлигининг мустаҳкамлиги, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ривожланиб, аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатининг муттасил ортиб бораётгани энг асосий ютуқларимиздандир. Яна шуниси муҳимки, бир пайтнинг ўзида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар ҳам изчил амалга оширилмоқда.

► *Давоми 2-бетда.*

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ АҲОЛИНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ЭҲТИЁЖМАНД ҚАТЛАМИ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН КУРАШАДИ.**

**КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ВА БОШҚА ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИ БИТИРИБ, МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЁШЛАРГА ИЖТИМОИЙ КЕЛИБ ЧИҚИШИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, ТЕНГ ВА ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТДАН МАҚБУЛ ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИШ, ПЕНСИОНЕРЛАР, МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТСИЗ НОГИРОНЛАР ҲАМДА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ҚОНДИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ ЎЗИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ.**

**«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:**




Сайловларда фаол иштирок этиш партия ташкилотлари учун муҳим вазифадир



■ Мен Президент сайловида биринчи марта овоз бераман

Президент сайлови бўйича сайлов кампанияси аҳолининг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги кучайиб бораётган шароитда ўтмоқда

САЙЛОВ — 2015

Бу борада тегишли мутахассисларга эҳтиёжи бўлган, уларнинг олий ўқув юртларида таълим контрактларини тўлаётган корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини рағбатлантириш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлашда тадбиркорлик субъектларининг муносиб шароит ва меҳнат ҳақига эга қўшимча барқарор иш ўринларини яратишга бўлган манфаатдорлигини ошириш, шу мақсадга хизмат қиладиган солиққа тортиш тизимини мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш ҳам долзарб масаладир.

Учрашувда қайд этилганидек, номзоднинг сайловолди дастурида ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини аҳоли ўртасида боқимандалик кайфиятини бартараф этишга қаратиш, уларнинг ташаббускорлигини рағбатлантириш, меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш каби тамойиллар акс этган. Хусусан, унинг дастурида нафақалар, моддий ёрдам

◄ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

# САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРДА

## фуқароларнинг юксак сиёсий фаоллиги намоён бўлмоқда



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

ҳақиқатда кам таъминланган оилалар, қариялар ва болаларга берилишига эришиш, кам таъминланган оилаларга ҳар ойда тўланадиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақаларни мақсадли фойдаланиш шарти билан бир марталик тўловга алмаштириш механизмини ишлаб чиқиш масалалари ўрин олган.

Шунингдек, дастурда ўз бизнесини ташкил этиш ва турмуш фаровонлигини мустақил таъминлашга интилувчи меҳнатга лаёқатли фуқароларга имтиёзли кредитлар ва мақсадли фоизсиз ссудаларни ажратишни янада ривожлантиришга алоҳида урғу берилган.

Учрашувда йиғилганлар номзоднинг сайловолди дастури хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Жумладан, **Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари директори Сотиболди Бобоқулов** номзоднинг сайловолди дастурида илгари сурилган қонунларнинг бир хилда ва самарали ижросини таъминлаш, аҳолининг турли қатламлари манфаатларини инобатга олиш, бу жараёнда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш билан боғлиқ масалалар мамлакатимизнинг кейинги тараққиётида муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

**Пойтахтимиздаги 44-оилавий поликлиника бош шифокори Муқаддас Раҳматуллаева** номзод дастурида соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, биринчи тез тиббий ёрдам сифатини ошириш, фармацевтика корхоналари фаолияти устидан давлат назоратини кучайтириш, дори-дармон воситалари рекламасини чеклаш бўйича белгиланаётган вазифалар соҳа ривожида аҳамиятли эканига эътибор қаратди.

Президентликка номзоднинг сайловолди дастурида янги иш ўринлари яратиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида илгари сурган таклифлари хусусида **Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи директори Жасур Қулмуҳаммедов** фикр билдирди.

Учрашувда номзод сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди. Сўзга чиққанлар сайловчиларни 29 март куни бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий жараёнда ўз мустақил фикри, фуқаролик позициясини намоён этишга ундади.

***

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Кетмонов Тошкент вилояти сайловчилари билан ҳам учрашди.

Тадбирни **10-Тошкент вилоят округ сайлов комиссияси раиси Нурмуҳаммад Абдуллаев** очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Сирожиддин Аъзамов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Учрашувда таъкидланганидек, юртимизда амалга оширилаётган демократик янгилаш ва модернизация жараёнида сиёсий партияларга кенг имконият яратилмоқда. Президентликка номзод фақаттина сиёсий партиялардан кўрсатилиши бунинг яна бир тасдиғидир. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзоднинг Президент сайловида иштирок этиши партиямиз унинг ғоя ва дастурларини янада такомиллаштириш, электорат муаммоларини ўрганиш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ишларини кучайтириш имконини беради.

Учрашувда **Зангиота тумани «Назарбек» қишлоқ врачлик пункти мудири Мақсуда Ворисова, Тошкент давлат аграр университети проректори Абдуазиз Абдувосиқов, ЎзХДП Бекобод шаҳар кенгаши раиси Улуғбек Абдуназаров** сўзга чиқиб, Президентликка номзоднинг сайловолди дастури ҳақида фикр билдирди. Жумладан, дастурда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг устувор ғоялари, дастурий мақсадлари акс эттани қайд этилди.

Номзод сайловчиларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарди.

**Нурали ОРИПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

29 МАРТ — САЙЛОВ КУНИ

# Президент сайлови — эл-юртимиз фаровон келажагини таъминлашнинг муҳим омили

Фуқароларимиз онги ва тафаккури, эътиқодида рўй берган туб ўзгаришлар, уларда атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, фуқаролик бурчи ва эртанги кунимиз, Ватанимиз тақдирига шахсий жавобгарлик ҳиссининг ортиб бораётгани ушбу ижобий ўзгаришларнинг муҳим омили ҳамда манбаига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 2014 йилда бўлиб ўтган сайлов аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти юксалганидан яққол далолат беради. Сайлов натижалари мамлакатимиз ва халқимизнинг асосий мақсади инсон ҳуқуқлари, манфаат ва эркинликларини, қонун устуворлиги, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлайдиган демократик давлат барпо этиш тарафдори эканини яна бир бор намоён этди.

Шу билан бирга, парламент сайлови ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотлар қандай амалга оширилаётгани, бу жараёнда сиёсий партияларнинг иштироки, уларнинг фаолияти ва истиқболдаги дастурий йўналишларини баҳолашда фуқароларнинг талабчанлиги қанчалик ошганини кўрсатди.

Буларнинг барчаси Президент сайловида иштирок этишга қарор қилган сиёсий партиялардан сайлов кампаниясида нафақат ўз фаоллигини кучайтириш, балки бу борада ўз фаолиятини, Президентликка кўрсатилган номзодларнинг ўз сайловолди дастурларини янада юксак сиёсий даражага кўтаришни талаб этмоқда.

**— Айтингчи, Президент сайловини демократия принципларига тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказишни кафолатлайдиган ҳуқуқий асос нимадан иборат?**

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси миллий сайлов тизимининг фаолият юритиши ва жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини демократик ривожлантиришда, шубҳасиз, асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Бош Қомусимизда, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланиши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, мустақиллик йилларида давлат раҳбари сайлови жараёнини тартибга соладиган қонунлар тўплами шакллантирилди. Биринчи навбатда, бу «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қатор қонунчилик ҳужжатларидир.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилиги асосини Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган бошқа халқаро ҳуқуқ ҳужжатларида мустаҳкамланган ва жаҳонда эътироф этилган муҳим демократик принциплар ташкил қилади.

Халқаро демократик стандартларнинг Ўзбекистонда сайлов тўғрисида қабул қилинган қонунларга автоматик равишда киритилмасдан, балки халқимиз маданияти, анъаналари ва истиқлол йилларида демократик ҳуқуқий давлат ҳамда жамият қуриш бўйича тўпланган миллий тажрибамиз инобатга олинган ҳолда имплементация қилингани уларнинг ҳаётий ва таъсирчан бўлиши учун катта аҳамиятга эгадир.

Масалан, чет эллик мустақил экспертларнинг фикрича, бугунги кунда Ўзбекистон сайлов қонунчилиги демократияга мувофиқлик даражаси бўйича дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларининг сайлов тўғрисидаги қонунларидан устундир.

Мамлакатимизда ушбу соҳада қабул қилинган барча қонунчилик ҳужжатлари адолатлилик, очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик принциплари асосида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиши, сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар, Президентликка номзод кўрсатадиган сиёсий партияларга эса сайлов кампанияси давомида кенг ва тенг имкониятлар яратишга қаратилган.

Қонунчилигимизда Марказий сайлов комиссияси раҳбарлигида сайловларнинг қонун талабларига тўла мувофиқ равишда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган ҳамда фақат қонунга бўйсунадиган мустақил сайлов комиссиялари тизимининг мустаҳкамлаб қўйилгани миллий сайлов тизимининг энг муҳим хусусиятидир.

**— Сўнгги йилларда сайлов қонунчилигимизга қандай ўзгартишлар киритилди?**

— Мамлакатимиз ва жамиятимизни жадал суръатлар билан модернизация қилиш ҳамда янгилаш миллий қонунчилигимиз, жумладан, сайлов қонунчилигини такомиллаштиришни давом эттириш зарурлигини тақозо этди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йилда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида бу борадаги тегишли вазифалар белгиланган.

Ушбу дастурий ҳужжатда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, кўппартиявийлик тизимини янада мустаҳкамлашга доир белгилаб берилган чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эгадир. Шу мақсадда Конституциямизга ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор тузатишлар киритилди.

Бундан ташқари, сайлов қонунчилигига сайлов эркинлиги принципини янада тўлиқ амалга ошириш, сайловолди ташвиқотини ўтказишда сиёсий партиялар ва улар томонидан кўрсатилган номзодларни тенг шароитлар билан таъминлаш самарадорлигини ошириш, сайловлар давомида ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш учун ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига жаҳон амалиётида илк бор бошқа ҳокимият органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни таъминлайдиган, давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақоми берилди. Марказий сайлов комиссиясига бу борада мутлақ ваколатлар берилган. Мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлилик Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари этиб белгиланди. Буларнинг барчаси сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сайловларнинг демократлигини таъминлаш кафолатларини янада кучайтирди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолияти ва сайлов жараёнининг ҳар бир босқичида ўтказиладиган барча тадбирлар қонун, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси томонидан қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури билан тартибга солинмоқда.

Дастурда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича сайлов қонунчилигида белгиланган вазифалар ҳисобга олинган ҳолда ва аниқ жадвал асосида тегишли барча тадбирлар, шунингдек, ушбу тадбирлар учун масъул тузилмалар белгиланди. Бу сайлов кампаниясини юксак демократик даражада ташкил этиш, округ ва участка сайлов комиссияларининг самарали фаолият кўрсатиши, сайлов жараёни иштирокчилари — Президентликка номзод кўрсатган сиёсий партиялар ва бевосита сайловчиларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишлари учун зарур шароитлар билан таъминлаш имконини бермоқда.

Марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 сайлов округи, округ сайлов комиссиялари, ушбу комиссиялар эса, ўз навбатида, 9058 сайлов участкаси ва участка сайлов комиссияларини ташкил қилди. Ҳар икки даражадаги комиссиялар таркибига халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари тавсиясига асосан жамоатчилик орасида обрў-эътибор қозонган кишилар киритилди. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида ҳам 44 сайлов участкаси тузилди.

Миллий қонунчилигимизга биноан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақат сиёсий партиялар номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Марказий сайлов комиссиясига зарур ҳужжатларни тақдим этган мамлакатимизда фаолият юритаётган барча тўрт партия — Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясига сайловда иштирок этиш учун рухсат берилди.

Президентликка номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари — съезд ёки қурултой томонидан амалга оширилди. Сўнгра номзодларни қўллаб-қувватлаш учун имзо варақалари тўпланди. Қонунга биноан ҳар бир сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варақалари мамлакатимизнинг камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилмасини ифода этадиган жами сайловчилар умумий сонининг камида беш фоизи имзосини қамраб олган бўлиши керак. Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида сиёсий партия имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин.

Сиёсий партиялар имзо варақаларини зарур ҳужжатлар билан биргаликда номзодларни рўйхатга олиш учун Марказий сайлов комиссиясига тақдим этди. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддатда текшириб чиқди ва уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса берди. Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳлари эса имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширди.

Марказий сайлов комиссиясида 14 февраль куни бўлиб ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш ва сайлов кампанияси даврида Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

**— Сайлов кампаниясининг моҳиятига кўра энг муҳим босқичларидан бири — сайловолди ташвиқоти бошланди. Шу ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.**

— Сайлов кампанияси бир-бири билан ўзаро боғлиқ тизимли жараённи ифода этади. Бу босқичлар орасида сайловолди ташвиқоти алоҳида ўрин тутади. Бу жараёнга барча демократик давлатлар, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ташвиқот номзодларга сайловчиларни ўз сайловолди дастури билан таништириш имконини беради.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, Президентликка номзодлар, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ, Президентликка номзодларни сайловолди ташвиқотини ўтказишда тенг шароит билан таъминлаш мақсадида уларга ўз дастурлари билан чиқиш қилиши учун Миллий телерадиокомпаниянинг «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» телерадиоканалларида 900 дақиқадан эфир вақти берилди, «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида бир хил — 10 саҳифагача нашр майдони ажратилди.

Шунингдек, Президентликка номзодлар сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун тенг ҳуқуққа эга. Ҳар бир номзод 15 нафаргача ишончли вакилга эга бўлишга ҳақлидир. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам беради, уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайлаш учун тарғибот олиб боради, турли ташкилотларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қилади.

**— Сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралиги амалда қандай таъминланмоқда?**

— Мамлакатимизда демократик сайловларни ташкил этиш яширин овоз беришга асосланган бўлиб, қолган барча жараёнлар очиқ, ошкора ва транспарентлик асосида ўтказилади. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, сайлов комиссиялари фуқароларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ўз фаолияти, сайлов комиссиялари тузилгани, улар жойлашган манзил ва уларнинг иш вақти ҳақида маълум қилади, сайловчилар рўйхати, сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар рўйхати билан таништиради, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар билан таништириб, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қилади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

Оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Ўтган йиллардаги сайлов кампаниялари, жумладан, 2014 йилда ўтказилган парламент сайлови давомида мамлакатимиз ва чет эл жамоатчилигини сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичлари ҳақида кенг хабардор қилиш учун Марказий сайлов комиссияси ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлиги бўйича янада бой тажриба тўпланди. Мамлакатимиз Президенти сайлови бўйича 2015 йилги сайлов кампаниясини ҳар томонлама холис ёритиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва «Жаҳон» ахборот агентлиги билан икки томонлама шартномалар тузди. Ушбу шартномаларда сайлов жараёнини тартибга соладиган миллий қонунчилигимизни аҳоли ўртасида кенг тушунтириш кўзда тутилган. Нодавлат оммавий ахборот воситалари, биринчи навбатда, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси таркибига кирадиган ахборот воситалари ва ахборот-таҳлил интернет-нашрлар сайлов жараёнини ёритишда фаоллик кўрсатмоқда.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ташкил этилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида — округ сайлов комиссиялари ҳузурида ҳам шундай матбуот марказлари фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда Марказий сайлов комиссияси Президент сайловини ёритиш учун мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 340 дан зиёд вакилини аккредитациядан ўтказди.

Марказий сайлов комиссияси дастурига мувофиқ, сайлов ташкилотчилари — округ ва участка сайлов комиссиялари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, журналистлар учун мавзуга оид семинарлар ўтказилмоқда. Бу миллий сайлов қонунчилигимизга киритилган сўнгги ўзгартишлар, сайлов комиссиялари олдида турган вазифалар, жумладан, оммавий ахборот воситалари иштирокида сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш вазифалари ҳақида уларнинг хабардорлигини оширишга ёрдам беради.

Сайлов кампанияси давомида миллий қонунчилигимизга сўзсиз риоя этиш ва фуқароларимиз, жумладан, ёшларнинг ўз ҳаётий ва сиёсий позициясини намоён этиши бўлажак Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини демократия принципларига тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказиш ва пировард натижада мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ва изчил демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш имконини беради.

**ЎзА мухбири**
**Меҳрибон МАМЕТОВА**
**суҳбатлашди.**

◄ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

## 2015 йилда 1 миллионга яқин, жумладан, қишлоқ жойларда 604 мингта янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган

# Кучли ижтимоий сиёсат

### Вазирлар Маҳкамаси Ҳаракат дастурининг асосий йўналишларидан биридир

**■ Жорий йилнинг 23 январида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракат дастури тақдим этилди. Мазкур дастурда 2015 йилда ва ундан кейинги йилларда мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг стратегик вазифалари белгиланган.**

**Ушбу Ҳаракат дастури ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, айниқса, парламент, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг ижро ҳокимияти фаолияти устидан назоратини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, дастурда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича белгиланган вазифалар ижросида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП гуруҳлари фаол иштирок этиши талаб этилади.**

**Вазирлар Маҳкамасининг Ҳаракат дастурида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, турмуш даражасини янада яхшилаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедра мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор Азамат МУХТОРОВ билан шу ҳақда суҳбатлашдик.**

— **Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ҳаракат дастури, унда белгиланган вазифалар ижросининг мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлашдаги аҳамияти ҳақида тўхталсангиз.**

— Жорий йил 16 январь куни ўтказилган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида 2015 йилда ва кейинги йилларда мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг стратегик вазифалари белгилаб олинди. Унда қатор муҳим ва долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, таркибий ўзгаришларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, саноатнинг етакчи тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилиш ҳисобига иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш. Шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш, ривожланган инфратузилмани, биринчи навбатда, ахборот-коммуникация тизимларини яратиш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация қурилиши бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариш. Шу билан бирга, ҳаракат дастурида аҳоли бандлигини таъминлаш, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун янада кенг шарт-шароит яратиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Қабул қилинган қонун ҳужжатларига таянган ҳолда, 2015 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик устувор йўналишларини ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш – ҳукуматнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Қайд этилган муҳим устувор вазифаларни бажариш мақсадида ҳукумат бир қатор дастурий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уларни яқин муддатларда тасдиқлайди. Ушбу лойиҳаларнинг ҳар бирида иқтисодиёт тармоқлари ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлар ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари белгилаб берилади.

— **Ҳаракат дастурида аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш бўйича белгиланган вазифаларнинг аҳамияти нималардан иборат, деб ўйлайсиз?**

— Юқорида айтиб ўтилган дастурий чора-тадбирларни амалга оширишда ҳукуматнинг асосий эътибори **аҳоли бандлигини,** энг аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига қаратилган.

Биринчи навбатда, бу иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича ҳар йилги дастурларни ишлаб чиқишни кўзда тутади. 2015 йилда 1 миллионга яқин, жумладан, қишлоқ жойларда 604 мингта янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган. Асосий мақсад – корхоналарнинг аниқ буюртмалари асосида мутахассислар тайёрлаш дастурига мувофиқ касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларининг ҳар бир битирувчисини ўзи танлаган мутахассислигига кўра, ишга жойлаштиришни таъминлашдан иборатдир.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз энг авжига чиққан 2008 йилда мамлакатимизда ишлаб чиқилган ва муваффақиятли ҳаётга татбиқ этилаётган **Инқирозга қарши чоралар дастури** нақадар тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Шунинг учун **макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича** ўзини оқлаган чора-тадбирлар ва механизмлардан фойдаланиш масалалари устувор вазифа сифатида сақланиб қолади.

> 2015-2016 йиллар мобайнида намунавий лойиҳа асосидаги 25 мингта уй-жой ва барча замонавий инфратузилмага эга шинам қишлоқ массивларини ўз вақтида ва сифатли қурилишини таъминлаш ишларини амалга ошириш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг энг асосий шарти — бу улар учун муқим иш ўрни яратиш ҳисобланади. Шу боис Вазирлар Маҳкамаси дастурида ҳам бу муҳим масалага алоҳида эътибор қаратилган.

— **Кучли ижтимоий сиёсатни изчил давом эттириш ҳукумат олдида турган долзарб вазифа саналади. Ҳаракат дастурида мазкур йўналишда қандай вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган?**

— Дарҳақиқат, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларини замонавий компьютер ва ўқув лаборатория ускуналари билан тўлиқ жиҳозлашни янада жадаллаштириш, бугунги ёшларимизга талаб юқори бўлган зарур билимлар ва фанларни, жумладан, ахборот технологиялари, чет тилларини ўқитиш амалиётини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шу билан бирга, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Васийлик Кенгашининг умумтаълим мактабларида 1 минг 700 та замонавий спорт зали қуриш ва жиҳозлаш ҳамда 153 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва ихтисослашган олимпия захиралари мактабларини асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминлаш борасидаги қарорлари ижросини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, она ва бола соғлиғини муҳофаза қилишнинг миллий моделини амалда татбиқ этиш асосан профилактик тадбирларга ўтиш ва соғлом турмуш тарзи тамойилларини жорий қилиш дастурини амалга ошириш давом эттирилади. Қишлоқ врачлик пунктлари иши самарадорлигини оширишга, тиббиёт муассасаларини замонавий даволаш ва диагностика ускуналар билан жиҳозлашни жадаллаштиришга ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида аҳамият берилади.

— **Аҳолининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, турмуш даражасини ошириш дастурнинг асосий йўналишларидан биридир...**

— Аҳолининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, жумладан, сифатли ичимлик суви, табиий ва суюлтирилган газ, замонавий санитария-тозалаш тизими билан таъминлаш ҳамда коммунал хизматлар сифатини янада яхшилаш, шунингдек, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасидаги муҳим масалалар ҳам ҳукуматнинг доимий диққат-эътиборида бўлмоқда. Мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш тугалланади ва тақдим этилади.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича ўзини амалда тўлиқ оқлаган, зарур ижтимоий ва бозор инфратузилмаси шакллантирилган, ҳар томонлама қулайликка эга бўлган якка тартибдаги уй-жой қуриш дастурини амалга ошириш давом эттирилади ва унинг кўлами янада кенгайтирилади.

Хусусан, 2015-2016 йиллар мобайнида 25 мингта намунавий лойиҳа асосидаги уй-жой ва барча замонавий инфратузилмага эга шинам қишлоқ массивларини ўз вақтида ва сифатли қурилишини таъминлаш ишларини амалга ошириш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Шу билан бирга, ишлаб чиқилаётган «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида кенг кўламли ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

Юқорида билдирилган энг муҳим вазифаларни ва Ҳаракат дастурини амалга ошириш — ҳукуматнинг ҳар бир аъзосидан ҳамда барча даражадаги раҳбарлардан шахсий масъулиятни янада ошириш талаб этилади.

**Нурали ОРИПОВ**
**суҳбатлашди.**




## Оғиз бўшлиғида

### галитозни қўзғатади

**Исроиллик олимлар қаҳва экстракти (кимёвий йўл билан олинган модда) оғиз бўшлиғининг «дезодоранти» бўлиб хизмат қилишини аниқладилар.**

Тель-Авив университети вакилининг айтишича, дейилади интернет хабарида, қайнатилган қаҳва оғиз бўшлиғида галитоз (ёқимсиз ҳид)ни қўзғатади. Негаки, у оғиз-



даги шиллиқ пардаларни қуритади. Айниқса, бу сут қўшилган қаҳвада кўпроқ билинади.

Аммо қаҳва экстракти эса аксинча таъсир этаркан. Яъни оғиз бўшлиғи сўлакларининг ёқимсиз ҳид, аниқроғи, газ ишлаб чиқарувчи бактерияларни камайтираркан.

Тадқиқотчилар идишдаги сўлакка қаҳва экстракти қўшиб, сўлакдаги микроорганизмлар ҳаётини кузатдилар. Маълум бўлдики, бактерияларнинг ёқимсиз газ ишлаб чиқариши 90 фоизга камайган.

Олимлар қаҳвадан фаол моддани ажратиб олиш ва ундан оғиз бўшлиғи «дезодоранти» ҳамда галитозга қарши дори воситаси яратиш устида иш олиб бормоқдалар.

## Йўловчилар ранжимасин...

**Германияда темир йўл тармоғининг йўловчилар олдидаги масъулияти қатъий қонунчилик асосида белгилаб қўйилган. Жумладан, поезднинг жадвалдан кечикиши темир йўл компанияси зарарига хизмат қилади. Яъни «Spiegel» нашри хабарига қараганда, йўловчилар махсус бланкани тўлдириб, маъмуриятга тақдим этса бас, чипта пулининг маълум фоизи қайтариб берилади.**




Агар баҳсли вазият юзага келса, махсус келишув комиссияси тузилади ва масала жойида ҳал этилади.

Поезднинг 1 соатга кечикиши чипта пулининг 25 фоизи, 2 ва ундан ортиқ соатга кечикиши эса 50 фоизи йўловчилар томонидан қайтариб олинишига сабаб бўлиши мумкин.

Агар поезд бекатга келишга 1 соат кечикса, уни кутаётган йўловчи чиптани қайтариши ва пулини тўлиқ ҳолда олиши мумкин. Агар 20 дақиқа кечикадиган бўлса, йўловчи ўша чипта билан бошқа поездга чиқишига рухсат этилади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, поездда кетаётган йўловчи маълум бир бекатда бошқа поездга чиқиши лозим бўлса-ю, бироқ унга улгуролмаса, аниқроғи, поезд ҳаракати сабаб кечиккан бўлса, ўша бекат маъмурияти йўловчига такси учун 80 евро миқдорида товон пули тўлайди. Агар такси бўлмаса, маъмурият йўловчини ётоқ билан таъминлайди.

**■ ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ**

## «Жиззах МИЗ»: Қулай инвестицион муҳит, истиқболли лойиҳалар

### замонавий корхоналар барпо этиш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш имконини бермоқда

**«Жиззах» махсус индустриал зонаси хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб этган ҳолда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналарни ташкил этиш ва янги иш ўринларини яратишнинг муҳим омили бўлмоқда.**

Бугунги кунда махсус индустриал зонада дастлабки 2 та лойиҳа ишга туширилди. «Ўзбекэнерго» ДАК билан хитойлик ишбилармонлар ҳамкорлигида ташкил этилган «Quyosh Issiqlik Energiyasi» қўшма корхонаси негизида йилига 15,0 минг дона қуёш энергияси ёрдамида сув иситиш тизимлари (коллекторлар) ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, унда 40 нафар жиззахлик ёшларни ишга қабул қилиш имконияти яратилди.

Шунингдек, махсус индустриал зонанинг Сирдарё филиалида фаолиятини бошлаган «WAP» қўшма корхонасида йилига 1,2 миллион дона сантехника буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва 100 дан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Корхона ёрлиғи билан чиқарилаётган маҳсулотларнинг 30 фоизи бевосита экспортга йўналтирилади.

Бундан ташқари, «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудида яна 10 та лойиҳа бўйича қурилиш-таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. Жорий йилда ушбу лойиҳаларни ишга тушириш ҳисобига маиший электротехника товарлари, банк терминаллари, видео ва IP-телефонлар, ахборот коммуникация тизимлари учун замонавий ускуна ва аксессуарлар, иссиқ ва совуқ сув трубалари каби бир қатор импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

— Ҳозирда Хитойнинг «Xinjiang Nixan International Logistics Co. Ltd» компанияси билан маҳаллий «Sell Scnew Products» корхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган лойиҳа қиймати 4,0 миллион АҚШ долларига тенг бўлган завод қурилишида ишлаяпман, — дейди **ўтган йили касб-ҳунар коллежини тамомлаган Маъмуржон Раҳматов.** — Ушбу лойиҳа амалга ошгач, корхонада йилига 2 минг тонна турли хил шруплар ва минглаб тонна металл профиллар ишлаб чиқарилади. Қувонарли жиҳати, завод иш бошлаши билан мен тенги жиззахлик ёшлардан 70 нафари доимий иш билан таъминланади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 35 фоиздан кўпроғини хорижга экспорт қилиш кўзда тутилган.

Қачонлардир Жиззахдан ўтган Буюк ипак йўли орқали хитойлик савдогарлар Европага маҳсулот олиб борганлиги тарихдан маълум. Эндиликда аждодлари изидан бориб, Жиззахга келган хитойлик мутахассис Жанг Пу Бинни суҳбатга тортдик.

— Ўтган йилнинг август ойидан буён Жиззахда яшаяпман, — дейди у. — Шаҳар ва унинг меҳмондўст одамлари менга ёқди. Махсус индустриал зонада барпо этилаётган қўшма корхонамизда технологик ускуналарни ўрнатишда иштирок этяпман. Бу ерда солиқ ва божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзлар хорижий инвесторлар қизиқишини тобора орттирмоқда.

...Бугун «Жиззах МИЗ» ҳудудида бўлаётган ўзгаришлар, қад ростлаётган замонавий корхоналарни кўриб кўз қувонади. Янги иш ўринлари яратилиши ҳисобига аҳоли турмушига файзу барака кираётганини кўриб, кўнгил янада равшан бўлади.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**■ РЕКЛАМА**

## «Ўзбекистон темир йўллари»

### Давлат акциядорлик компанияси Тендер комиссияси

2015 йилга контакт тармоғини монтаж қилиш учун 1 дона автомотриса сотиб олишга иккинчи тендерни эълон қилади.

Тендер ҳужжатларини олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 7-уй,«Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, «Темирйўлёнилғитаъмин» бошқармаси, 410-хона.

Телефонлар: (0-371) 237-94-72, факс: 238-84-43.
Электрон почта — Israilov55@mail.ru

**Тендерда иштирок этиш учун буюртмалар эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади.**






■ **2014** ЙИЛ МОБАЙНИДА ФАҚАТ БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИНГ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН **18** ТА НАМУНАВИЙ СПОРТ ОБЪЕКТИ ВА **73** ТА МАКТАБ СПОРТ ЗАЛИ БАРПО ЭТИЛДИ, **24** ТА ОБЪЕКТДА ҚАРИЙБ **100** МИЛЛИАРД СЎМЛИК РЕКОНСТРУКЦИЯ ВА КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛГАНИНИ ҚАЙД ЭТИШ ЛОЗИМ.



■ **2014** ЙИЛДА **540** ДАН ЗИЁД ОБЪЕКТ, ШУ ЖУМЛАДАН, **380** ТА МАКТАБ, **160** ДАН ОРТИҚ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ТУБДАН ЯНГИЛАНДИ. МАЗКУР МАҚСАДЛАР УЧУН ҚАРИЙБ **550** МИЛЛИАРД СЎМ САРФЛАНДИ.

Муҳтожга меҳр ва ёрдам кўрсатиш инсонга руҳий мадад беради

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

## «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди:

# Асосий вазифалар белгилаб олинди

**Атрофдагиларнинг ғамхўрлигига, эътиборига, ёрдамига муҳтож бўлган инсонга яхшилик қилиш, меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат кўрсатиш кишига руҳий қувват, маънавий мадад беради. Халқимизга хос бўлган ана шундай эзгу қадриятлар жамиятда ижтимоий бирдамлик, ҳамжиҳатлик тамойилларининг қарор топишига хизмат қилади.**

Республика «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди фаолияти ана шу эзгу мақсадларга қаратилгани билан эътиборлидир. Яқинда мазкур фонд васийлик кенгаши ҳамда бошқарувининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ўтган йилда амалга оширилган ишлар, жорий йилдаги муҳим вазифалар муҳокама этилди.

**Йиғилишни Соғлиқни сақлаш вазири, Фонд васийлик кенгаши раиси Анвар Алимов кириш сўзи билан очди:**

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асоси бўлган «ўзбек модели»нинг тамойилларидан бири кучли ижтимоий сиёсат ҳисобланади. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда нафақат давлат органлари, балки жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этиши талаб этилади. «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди бу жараёнда муносиб қатнашмоқда. Хусусан, унинг ўтган йилдаги фаолиятини таҳлил этар эканмиз, бунга яна бир бор амин бўламиз. Фонд томонидан ёрдамга муҳтож кексалар, пенсионерлар, жисмоний имконияти чекланган кишиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор хайрия тадбирлари ташкил этилмоқда. Кўмакка муҳтож оилалар фарзандлари соғлиғини муҳофаза қилиш, уларни малакали шифокорлар кўригидан ўтказиш борасида ижобий натижаларга эришилди. Даволаш-профилактика муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари учун маблағлар ажратилди.

Кексаларни эъзозлаш йилида ҳам фонд зиммасига катта вазифалар юклатилади. Ёлғиз, кам таъминланган кексалар ҳолидан хабар олиш, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Бу ишларни амалга оширишда фонднинг вилоятлардаги ваколатхоналари ҳам ташаббускор бўлишлари лозим.

Ҳозирда республикамиз миқёсида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» акцияси ўтказилмоқда. Акция доирасида уруш ва меҳнат фронти фахрийлари тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилади. Бу ишда нафақат соғлиқни сақлаш тизими ташкилотлари, шу билан бирга, фонднинг барча даражадаги ваколатхоналари иштирок этиши зарур. Бу акциянинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Йиғилишда «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди бошқаруви раиси Асрор Мирзаҳмедовнинг 2014 йил якунлари юзасидан ҳисоботи тингланди.**

— Ўтган йил давомида жамоат фонди ва унинг вилоят, туман ва шаҳар ваколатхоналари томонидан фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш, беморлар учун малакали шифокорлар маслаҳати ва даволаш ишларини уюштириш, ногиронларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари, тиббий анжомлар ҳамда буюмлар билан таъминлаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Соғлом бола йилида фонд ҳамда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ҳамкорлигида **«ҲАР ГЎДАКНИ МЎЪЖИЗА ДЕБ БИЛИНГ, ҚУТҚАРИШИ МУМКИН ДУНЁНИ»** шиори остида акция ташкил этилди. Акция доирасида Тошкент шаҳри, Бухоро, Андижон, Фарғона ҳамда Қашқадарё вилоятларидаги ногирон болалар интернатуйларида хайрия тадбирлари ўтказилди. Мазкур муассасаларда тарбияланаётган имконияти чекланган, ўзгалар парваришига муҳтож, ногирон болалар учун дори-дармон воситалари, хўжалик анжомлари, тиббий асбоб-ускуналар ҳамда молиявий ёрдамлар ажратилди. Ушбу мақсадлар учун фонд томонидан қарийб 26 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.


Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

Акцияни ўтказишда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари яқиндан кўмак беришди.

Йил якунларига кўра, жамоат фондининг жами харажатлари 1.241.979.942 сўмни, хайр-эҳсон, ҳомийлик харажатлари эса 1.150.969.115 сўмни, шундан хўжалик харажатлари 7,4 фоизни ташкил қилди.

Жорий йилда олдимизда кенг кўламли вазифалар турибди. Кексаларни эъзозлаш йилида ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, ҳокимликлар, ҳамкор ташкилотлар кўмагида маданий-маърифий тадбирларни тизимли равишда ўтказиш, соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиш, даволаш-профилактика муассасаларини керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга муносиб ҳисса қўшишимиз керак.

Йиғилишда намунали ҳудудий ваколатхоналар иши эътироф этилди, сусткашликка йўл қўяётганларининг фаолияти танқидий-таҳлилий кўриб чиқилиб, зарур тавсиялар берилди.

**Тадбирда, шунингдек, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Фарида Абдураҳимова, Фонд васийлик кенгаши аъзоси Мухтор Усмонхўжаев, «Ногиронлар» жамияти Тошкент вилоят бўлими раиси Йўлдош Ёқубжонов, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири биринчи ўринбосари Фаррух Ҳамроев ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.**

**Нурали ПИРИМҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ — 2015

**Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ босқичига саралаш баҳсида Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Жазира» жамоасига қарши майдонга тушди.**

## «БУНЁДКОР»НИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАСИ

«Бунёдкор» стадионида бўлиб ўтган учрашувнинг дастлабки дақиқаларидан ҳужумкор ўйин намойиш этган Сергей Лушан шогирдлари 23-дақиқада ҳисобни очди. Бу вазиятда Воҳид Шодиев рақиб дарвозасини аниқ нишонга олди – 1:0. Аммо биринчи бўлим якунланиши арафасида ҳакам томонидан «Бунёдкор» дарвозаси томон белгиланган пенальтидан Али Маҳбуд унумли фойдаланиб, ҳисобни тенглаштирди.


Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

Иккинчи бўлимда ҳам футболчиларимиз майдонда фаол ҳаракат қилди. 52-дақиқада Сардор Рашидов навбатдаги голга муаллифлик қилди ва «Бунёдкор» жамоасининг 2:1 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.

Шу тариқа «Бунёдкор» Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ босқичига йўлланма олди. Энди футболчиларимиз «А» гуруҳида «Ал-Наср» (Саудия Арабистони), «Лаҳвия» (Қатар) ва «Персеполис» (Эрон) жамоалари билан баҳслашади.

**ЎзА**

БУГУННИНГ ГАПИ

# ФЕВРАЛЬ ОЙИДА

## об-ҳаво қандай бўлади?

**Одатда қиш фаслининг илк куни ёки биринчи ҳафтаси совуқ бўлиб, қор ёғиши билан бошланишига кўпчилигимиз ўрганиб қолганмиз. Аммо биз тахмин қилганимиздек, қишнинг биринчи, яъни декабрь ойида совуқ кунлар унчалик кўп бўлмади. Қишнинг охирги ойи ҳисобланган февраль ойида эса баҳор фаслининг ёмғирли илиқ кунларига ўхшаш об-ҳаво бўлаётгани кўпчиликни ҳайратлантирмоқда.**

Бугун барчани февраль ойининг қолган кунларидаги об-ҳаво қандай бўлиши қизиқтираётгани табиий. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг гидрометеорологик маълумотлар билан таъминлаш хизматининг бош мутахассиси Равшаной АМИРҚУЛОВАга** мурожаат қилдик.



— Одатда мамлакатимизда йилнинг энг совуқ даври қиш фасли ҳисобланади. Декабрь ва январь ойида республикамиз ҳудудларида бир неча кун бўлса ҳам совуқ об-ҳаво кузатилиб, ёмғир ва қор ёғди. Аммо ҳаво ҳарорати илиқ бўлиб турди. Яна шуни айтиш мумкинки, бу йилги қиш фасли об-ҳавоси ҳароратининг ўзгариб турганлиги ва ёғингарчиликлар нотекис тақсимланиши билан фарқланади. Мисол учун, охирги 10 йилда 2014 йилнинг февраль ойи энг совуқ бўлгани кузатилган. Айниқса, ушбу ойнинг биринчи ярмида пойтахтимизда кечалари ҳарорат -17 даражагача пасайган. Охирги 10 йилликда 2009 йилнинг феврали энг илиқ бўлган. Ҳаво ҳарорати ўшанда +17 даражагача кўтарилган.

Бу йил қиш фаслида ёққан ёғингарчилик миқдори бўйича аномал қуруқ бўлмади. Умуман олганда, декабрь ва январь ойларида ёққан ёғингарчилик ўртача кўп йиллик қийматларга яқин бўлди. Бироқ ёғингарчилик асосан ёмғир кўринишида ёғди. Қор кўринишидаги ёғингарчилик бўлди, аммо қор қатлами деярли кузатилмади. Фақат январь ойининг охирги ўн кунлигида Тошкент шаҳрида ёққан қор қатлами бир ҳафта сақланиб турди. Охирги 10 йилликда қор қатламининг максимал энг баландлиги пойтахтимизда 2006 йилнинг қиш фаслида кузатилган. Унинг максимал баландлиги 43 сантиметрни ташкил этган. 2007-2008 ва 2011-2012 йилларнинг қиш фаслидаги қор баландлиги 21-25 сантиметр бўлган.

Энди бевосита жорий йилнинг февраль ойига тўхталадиган бўлсак, ушбу ойнинг биринчи ўн кунлигида жуда илиқ об-ҳаво бўлди. Айрим кунларда ҳаво ҳарорати +15-20 даражагача кўтарилди. Бу илиқ ҳарорат кузатишларнинг барча йиллари учун рекорд қийматларга яқин кўрсаткичдир. Ушбу ойнинг илиқ давридан сўнг ҳаво ҳарорати 3-6 даража пасаяди. Барибир февраль қиш фасли ойи эканини унутмаслик керак. Февралнинг қолган кунларида ҳарорат пасайиши ва об-ҳавонинг ўзгарувчан бўлиши ҳамда ёмғир кўринишидаги ёғингарчиликлар ёғиши, баъзи жойларда эса қорга айланиши эҳтимоли бор. Бир сўз билан айтганда, ёмғирли кунлар ҳали давом этиши кутилмоқда.

**«Ўзбекистон овози» мухбири**
**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**
**ёзиб олди.**

РЕКЛАМА




| ОБ-ҲАВО | 19-20. 02 — 2015 |
| --- | --- |
| **Юртимиз бўйлаб (°C)** | |
| *Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти* | |
| 0 / -5 | +5 / +10 |
| *Бухоро ва Навоий вилоятлари* | |
| 0 / +5 | +8 / +13 |
| *Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари* | |
| 0 / +5 | +8 / +13 |
| *Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари* | |
| +2 / +7 | +10 / +15 |
| *Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари* | |
| +1 / +6 | +7 / +12 |
| *Тошкент шаҳри* | |
| 0 / +2 | +11 / +13 |



| Дунё бўйлаб (°C) | |
| --- | --- |
| Лондон | +9 / +7 |
| Париж | +11 / +8 |
| Москва | +1 / +4 |
| Мадрид | +13 / +12 |
| Пекин | +11 / +6 |
| Канберра | +29 / +31 |
| Рим | +14 / +14 |
| Афина | +9 / +14 |
| Стокгольм | +8 / +7 |
| Кейптаун | +24 / +25 |
| Қоҳира | +12 / +16 |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 259
20926 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 23.30
Topshirilgan vaqti — 00.30
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Bardambek SA`DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5 6